

барча талабларга жавоб берган тақдирда рухсат этилади) маҳсулотларни махсус автотранспортларда етказиб беради.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқишни қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандарти ва ТШ га мос бўлиши ҳамда бу жўнатилаётган нефть маҳсулоти учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилиши лозим.

5.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишда уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувоҳномаси (паспорти)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Етказиб берувчи» асоссиз равишда нефть маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня умумий миқдори етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни, нефть маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаган ва ҳақозо... оқибатидаги зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ёки ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шароитлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефть маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Етказиб берувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Етказиб берувчи» дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга биноан тартибга солинади.

6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш туғрисидаги қонун ҳужжалари талабларига амал қилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайритабiiй ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса, Ўзбекнефтегаз» АЖнинг ва НҚИЗ ларнинг, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТЙКнинг айби билан ёки маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юқори ташкилотлар томонидан ўзгартирилиши муносабати билан бузилса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.